

2022 йил 26 сентябрдаги Қарши туман Ободонлаштириш бошқармаси ва Касби
 тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ ўртасида 243000000 умумий сўммага
 тузилган №48451/2022 сонли шартномага

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб
 Шахсий ғазна ҳисобварақ

110.
 100022860102247065200110008.

(сумда)

2022 йил ойлари номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	43 32 900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	243 000 000,00			243 000 000,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил буйича	243 000 000,00			243 000 000,00

Жами: 243 000 000 (икки юз қирқ уч миллион) сўм

Юқорида кўрсатилган суммадан 72 900 000,00 сўм ёки шартнома умумий суммасининг 30% и олдиндан
 2022 йил сентябрь ойида туланиши керак.



Рахбар

М.У.

Бош ҳисобчи

Газначилик бўлинмаси
 ходими қабул қилди

(имзо)

2022 йил " " "

(имзо)

Д. Даминов

(имзо)

Н. Зиятова

Бюджетдан маблағ олувчи
 ходими қабул қилди

(имзо)

2022 йил " " "

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 10.09.2022 йилги №22110012148451 лот рақамли танлов ўтқазилган тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
(МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА)

№48451/2022 сон

2022 йил « 26 » сентябрь

Касби тумани “QILICHBEK PLYUS OG’ABEK” МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар **Ш. Равшанов** бир томондан ва (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) **Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи **Д. Даминов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади), тегишли нуқсонлар далолатномаси асосида **Қарши тумани “AGROMELIOMASLANAT” МСНЖ** томонидан тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан 25.08.2022 йилги №58519 сонли жамланма экспертиза хулосаси билан тасдиқланган) лойиха смета хужжатларига асосан, **Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ “Сахтаниёз” қишлоғи** ҳудудида **Дренаж қудуғини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш ишларига** (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар ҳажми миқдоридан) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

«ижро хужжатлари»: — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

«қурилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«вақтинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»: — сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ: Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапиёз" қишлоғи ҳудудида Дренаж қудуғини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига сув қувурлари ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган қарори (2022 йил 17 сентябрдаги электрон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 243000000 (икки юз қирқ уч миллион) сўмни ташкил этади. Шундан ҚҚС: 31 695 652.17 (ўттиз бир миллион олти юз тўқсон беш минг олти юз эллик икки сўм, 17 тийин) сўм. Мукамал таъмирлаш ишлари қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Мукамал таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга «_____» иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— «_____» иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

— қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

— қурилиш ишлари таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;
10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
11. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 (олтмиш) кунни** ташкил этади.
12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдоридан, аванс ўтказилади, бу **72 900 000.00 (етмиш икки миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил** этади.
14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади
15. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.
16. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 0% гача миқдоридан, амалга оширилади;
17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
31. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни

Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан қувурлар ўрнатиш йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.
45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

47. Пудратчи: — барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
— лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
— ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир ой этиб белгиланади.
49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.
50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи: — шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
— ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда;
— пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
— пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
52. Пудратчи: — ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
— буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг ___ % миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

59. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг ___ фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдоридан ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, “ 26 ” сентябрь 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

ПУДРАТЧИ:

**Касби тумани “QILICHBEK
PLYUS OG’ABEK” MCHJ**

Манзили: Касби туман, Касби кишлоғи

Тел\факс: +99897 588 04 04.

ХР: 20208000400471923001.

Банк номи: Қарши шаҳри ОАТБ Қишлоқ-Қурилиш
банк Қашқадарё вилоят филиали

МФО: 00155. СТИР: 303349733.

ОКОНХ: 61110.

Таъсисчи СТИР: 477 717 012.

Рахбар: Равшанов Шерзод



БУЮРТМАЧИ:

**Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси**

Манзили: Қарши тумани, Бешкент шаҳри

Тел\факс: _____

ШХР: 100022860102247065200110008.

МФО: 00014. Тошкент шаҳар Марказий банк
ХККМ. СТИР: 206808289.

ОКОНХ: 90211.

Ғазначилик: Ўз. Рес. Молия Вазирлиги

Ғазначилиги СТИРи: 201122919.

Ягона ғазна Х/Р: 23402000300100001010.

Рахбар: Даминов Диёр



**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ
ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури: шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Касби тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ ва Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида нархи 243 000 000.00 (икки юз қирқ уч миллион) сўмлик Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапийёз" кишлоғи худудида Дренаж қудуғини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш ишларига бўйича шартномаси

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот Қарши тумани ҳокимлиги, Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 26 сентябрь.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бош юрисконсулти
2022 йил «26» сентябрь

А.Ҳомидов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QILICHBEK PLYUS O'G'ABEK" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QILICHBEK PLYUS O'G'ABEK" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.05.2015

175

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303349733

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Kasbi tumani, Maymanoq, Maymanoq.

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Kasbi tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
(Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma`lumot

INN:	303349733
Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:	28.05.2015
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:	175
Yuridik shaxsning nomi:	"QILICHBEK PLYUS O`G`ABEK" mas`uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi:	42210 - Taqsimlovchi muhandislik ob'ektlari qurish
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo`jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari

Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga mansubligi:

Faollik holati:

Ustav fondi:

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

Rahbarning F.I.SH.:

Rahbarning STIR:

Ta`sischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma`lumotlar

faoliyat ko`rsatayotgan
10 000 000,00 UZS

РАВШАНОВ ШЕРЗОД ИСАНБОЕВИЧ
477717012

1. Ravshanov Sherzod Isanboyevich	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Kontakt ma`lumotlari

Elektron pochta manzili:

Aloqa telefoni:

MHOBT kodi:

Ko`cha, uy, xonadon:

982758338
1710237568 - Qashqadaryo viloyati, Kasbi tumani, Maymanoq shaharchasi
Maymanoq mahallasi

09/03/2022 uchun amal axborot

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

АГЕНТСТВО ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ
УЗБЕКИСТАНА

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ
КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА
СВИДЕТЕЛЬСТВО о постановке на учет налогоплательщика

СОЛИҚ ТУЛОВЧИ - ЖИСМОНИЙ ШАХСГА
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКУ - ФИЗИЧЕСКОМУ ЛИЦУ

Фамилияси:
Фамилия: RAVSHANOV

Исми:
Имя: SHERZOD

Отасини исми:
Отчество: ISANBOYEVICH

солиқ туловчининг идентификация рақами берилди ва солиқ туловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш
маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ туловчиларининг Ягона реестрига киритилди

присвоен идентификационный номер налогоплательщика с введением учетных данных о
налогоплательщике в Единый реестр налогоплательщиков Республики Узбекистан

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:
Идентификационный номер налогоплательщика:

477 717 012

ЖШШИР
ПИНФЛ:

32901825700010

Ариза қабул қилган давлат хизмати маркази:
Заявление принято центром государственном услуг:

Ҳисобга қўйган давлат солиқ инспекцияси:
Поставлен на учет в государственной налоговой инспекции: KASBI TUMANI
КАСБИНСКИЙ р-н

СТИР берилган сана:
Дата присвоения ИНН:

01 10 2014



Маълумотномада курсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил
телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки
подлинности информации.



Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармасининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 10 сентябрь кунда жойлаштирган №22110012148451 лот рақамли (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълонига мувофиқ, Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапиёз" кишлоғи худудида Дренаж қудугини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш бўйича

Й И Ф И Л И Ш Б А Ё Н И №451/2022

Электрон танлаш асосида шакллантирилган баённома Қарори юзасидан, танлаш иштирокчилари томонидан эътирозлар қабул қилиш (2 иш кунлик), ёки муҳокама муддати ўтиб, яқуний натижаларни эълон қилиш ва танлаш ғолиби билан шартнома имзолаш юзасидан

БАЁН

Қарши тумани

21 сентябрь 2022 йил

Комиссия раиси

Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими бошлиғи

М. Турсунов

Комиссия аъзолари

Ободонлаштириш бошқармаси Тех назоратчиси

И. Исломов

Ободонлаштириш бошқармаси Инфрамузилма

И. Хасанов

объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи

Н. Панжиев

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи

Ш. Тошев

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи

Б. Мухторов

Кун тартибида қуриладиган масала:

1. Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармасининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 10 сентябрь кунда жойлаштирган №22110012148451 лот рақамли бошланғич нархи 247,573,000.00 сўмлик, энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, (Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапиёз" кишлоғи худудида Дренаж қудугини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш бўйича), электрон ўтказилган танлаш натижалари юзасидан танлаш иштирокчилари эътирозлари муҳокамаси.

2. Яқуний хулоса асосида танлаш ғолибини маълум қилиш ва ушбу пудрат ташкилоти билан тегишли тартибда шартнома тузиш

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Комиссия раиси М. Турсунов сўзга чиқиб, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида Қарши тумани Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапиёз" кишлоғи худудида Дренаж қудугини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш бўйича жойлаштирилган (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълони муддати 2022 йилнинг 16 сентябрь кунда яқунланганини айтиб ўтди. Шунингдек 2022 йилнинг 17 сентябрь кунда харид комиссияси котиби томонидан, талабгорлар таклифлари (электрон харид тизими орқали) тўлиқ баҳоланганлигини ва комиссия таркиби овоз бериш натижасига кўра яқуний баллар асосида электрон танлаш баённомаси шакллантирилганлигини яна бир бор маълум қилди.

У ўз сузини давом эттириб, мазкур танлаш жараёнида жами 2 нафар иштирокчи ўз пудрат ишлари таклифи билан қатнашиб, овоз бериш натижасига кўра 97.00 балл билан Қасби тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ танлаш ғолиби бўлганлиги, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 20.05.2022 йилги №276 сон Қарори асосида ишлаб чиқилган "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 98-бандига мувофиқ, 2 иш куни, яъни 2022 йилнинг 21 сентябрь (19-20 сентябрь кунлари) санасигача бўлган муддатларда муҳокама қилиш учун ахборот парталида жойлаштирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин, Ободонлаштириш бошқармаси Тех назоратчиси И.Исломов сўз олиб, юқорида қурилаётган №22110012148451 лот рақамли энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, Ўзбекистон Мустақиллиги МФЙ "Сахтапиёз" кишлоғи худудида Дренаж қудугини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида капитал таъмирлаш бўйича, ўтган 2 иш куни даврида, танлаш иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини ва танлаш натижаларидан норозилик ҳолатлари юзга келмаганлигини маълум қилди.

Комиссия аъзолари юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, танлаш натижасига кўра ғолиб деб топилган Қасби тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ томонидан таклиф этилган барча танлаш ҳужжатлари, эълонда сўралган талабларга мувофиқлигини инобатга олиб, ушбу пудрат ташкилоти билан шартнома имзолашни таклиф қилдилар.

Хайъат аъзоларининг таклифлари, фикр мулоҳазалари ва тавсияларидан келиб чққан ҳолда танлов хайъати томонидан

ҚАРОР КАБУЛ ҚИЛИНДИ.

1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, электрон баённома расмийлаштирилгандан сўнг, икки иш куни муддатда танлаш иштирокчиларидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, Қасби тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ, 243 000 000 (икки юз қирқ уч миллион) сўмлик пудрат ишлари таклифи билан, энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлаш ҳолиби деб тан олинсин ва қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан мазкур ташкилот билан тегишли тартибда пудрат шартномаси имзолансин.

2. Қасби тумани "QILICHBEK PLYUS OG'ABEK" МСНҲ томонидан бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш, Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Д.Даминов ва Тех назоратчиси И.Исломовлар зиммасида қолдирилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни қарори ижросини назорат қилиш, Қарши туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Д. Даминов зиммасида қолдирилсин

4. Бажарилиши қўзда тутиладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан, яъни уларнинг сифати, нархи, қабул далолатномалари ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаққоний расмийлаштирилиши, танлаш ўтқазилган мезонларига амал қилинганлиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаганлиги, маблағларни мақсадли сарфланиши, таъмирлаш ишларининг давлат стандарти даражаси талабларига жавоб бериши, ахборот парталида берилган эълон талабномасининг ҳаққонийлиги, Ҳазначилик бўлинмасига пудрат ишлари бўйича электрон жўнатиладиган барча турдаги ҳужжатларнинг қонунийлиги ва бошқа ҳолатлар назорати мазкур комиссия аъзолари ва Қарши туман Ободонлаштириш бошқармаси раҳбарияти зиммасида қолдирилсин.

Комиссия раиси

Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари

Ободонлаштириш бошқармаси Тех назоратчиси


Ободонлаштириш бошқармаси Инфрамузилма

объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи

Ободонлаштириш бошқармаси назоратчи



М. Турсунов
И. Исломов
И. Хасанов
Н. Панжиев
Ш. Тошев
Б. Мухторов